

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 143 (10.448)

2005 ЙИЛ 25 ИЮЛЬ

Пойтахтнинг бир кунини

Янгиликлар, воқеалар

Киска сўзлар

● **БУГУН** Аҳмад Дониш маҳалласида «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига бағишланди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашида «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси ғолиби аниқланди ҳамда ғолиби — Сергели политехника касб-ҳунар коллежи талабаси Шухрат Норматовга эсдалик совғалари топширилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган «Камалак жилоси» кўрик-танлови «Камолот» ЁИХ Миробод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунини Учтепа туманидаги «Чўпон ота» маҳалласида Тошкент Давлат маданият институти талабалари ҳамда «Камолот» ЁИХ Учтепа туман Кенгаши ҳамкорликларида концерт дастури ташкил этилди.

● **ЎТГАН** кунини Чилонзор туманидаги «Наврўз» маҳалласида «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ташаббуси билан кўча оммавий спорт ўйинлари бўлиб ўтди: Унда «Бўстон», «2-Чарх Камолот» маҳаллалари ёшлари спортнинг шахмат, шашка, волейбол, футбол, стол тенниси, арқондан сарқаш турлари бўйича ўзаро беллашди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** маҳалласида «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида кўча оммавий спорт ўйинлари ташкил этилди.

● **МИРОБОД** туманидаги 83-мактабда «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан уюштирилган кўча оммавий спорт ўйинларида «Янги Миробод» ва «Байналмилал» маҳаллалари жамоалари куч синачди.

● **УЧТЕПА** туманидаги Журжоний маҳалласида ёшлар ўртасида спортнинг арқон тортиш, тўп билан югуриш мусобақалари, «Моҳир ҳужумчи», «Кувноқ стартлар» ўйинлари ташкил этилди.

● **ОКТЕПА** маҳалласида «Камолот» ЁИХ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан «Эзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилган арқон тортиш, тўп билан югуриш, «Ким эңчили, ким чак-қон?», «Кувноқ стартлар», «Моҳир ҳужумчи» мусобақаларида ёшлар ўзаро беллашди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз
хабарларидан.

Сифатли ва харидор талабини қондирадиган рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш бугунги бозор талаби. Ана шу талабга кўра иш юритиб маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга жорий этаётган «FOTON» акциядорлик жамиятида изланишлар давом этмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг 2-цеҳи бошлиғи Александр Жучков, назоратчи Жамила Набиева ва синовчи Надежда Фронкова иш устида.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий сармоядорларга ишончли қарорларни таъминлаш, ташқи савдонини янада эркинлаштириш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан чет эл фирмалари ўртасидаги узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ташқи иқтисодий фаолият, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар жалб этиш, ташқи савдонини эркинлаштириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустақамлаш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш;

жаҳон товарлар (капиталлар, хизматлар) бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ички ва ташқи бозорлар истиқболларини ҳамда самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг аҳолини чуқур таҳлил этиш ва ривожланишини прогноз қилиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини рўйбга чиқаришга кўмаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

кулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари рўйбга чиқарилиши мониторингини амалга ошириш, хорижий инвесторларга зарур ахборот ёрдами кўрсатиш.

3. Иختисослаштирилган ташқи савдо компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар

ва савдо вазирлиги этиб;

Агентлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бошқармалари вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда агентлик минтақавий бошқармаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланадилар.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идораларор кенгаш; экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши тугатилсин.

Тугатилаётган кенгашларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 октябрдаги «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3151-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти масалалари бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 21 июль

XXI сағоси

Барча маълумотлар олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталарининг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё вилоятида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

● Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда чегараларни бошқариш бўйича «ВОМСА-4» дастури доирасида «Аэропортларда виза назорати» лойиҳаси бўйича «Тошкент» халқаро аэропортига 17567 евролик махсус жиҳозлар топширилди.

● Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактабида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ҳарбий таълим кафедрасида таҳсил олган талаба-курсантларнинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида ҳам Мустанкилгимизнинг 14 йиллигини муносива қилиб кутиб олиш юзасидан кенг қўламадаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу ерда 20 августда ободонлаштириш ҳашири ўтказилади. Шаҳар курувчилари эса капитал ремонтдан сўнг иккита мактаб, болалар боғчаси, технология коллежи ҳамда тўртта турар жой биносини фойдаланишга топширадилар.

Жаҳонда

● Сўнги пайтларда Германия иқтисодиётида жиддий орқага кетиш ҳолатлари юзга келиб, ишсизлар сони кескин ортиб бормоқда. Шу боис Германия Президенти Хорст Келер Бундестагнинг тарқатиб юборилишига розилик берди ва мамлакатда тез орада парламент сайловлари ўтказилишига таяйғарлик ишлари бошланди.

● Италия Сенати амалдаги маъмурий жавобгарлик ҳақидаги қонунга ўзгаришлар киритди. Унга кўра ҳайдовчи айби билан бахтсиз ҳодиса рўй берса ва унинг оқибатида киши ҳалок бўлса, ҳайдовчининг ИТХ вақтида гиванд моддаларни истеъмол қилгани ёки спиртли ичимликлар ичгани аниқланса, у ҳайдовчилик гувоҳномасидан умрбод маҳрум этилади.

● «Хайтун» бўрони шиддат билан Хитойга кириб келди ва мазкур бўрон туфайли миллиондан ортиқ кишилар ўз уйлари ташлаб кетишга мажбур бўлишди.

● Францияда 9-халқаро ҳаво шарлари фестивали бошланди. 67 мамлакатдан таширф бўлган моҳир ҳаво шарлари учурчилари галаба учун кураш олиб бораётган турнир 31 июлга қадар давом этади.

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР ТАШАББУСКОРЛИК ВА ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Кейинги бир ой ичида Президентимиз томонидан иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантиришга қаратилган бир қатор қарор ва Фармонларнинг қабул қилингани, шубҳасиз, тадбиркорларга қулай имкониятлар эшигини очиб берди. Буни орзиқиб кутган тадбиркорларнинг куч-гайратлари янада ошди. Шу асосда янги мақсад, самарали гоёларни амалга оширишни ният қилган ишбилармон ва тадбиркорлар ушбу ҳужжатларга муносабатини ҳақиқий излашилари билан намоён этиш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Шаҳримизнинг энг яхши тадбиркорларидан бири, "Ташаббус" кўрик-танловининг Со-бир Раҳимов тумани босқичида бир неча бор голиблик шохсупасидан ўрин олган "Эътиқод" хусусий фирмаси директори Абдуғани ҚОСИМОВ ҳам ўз фикрларини қуйидагича баён этди:

— Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимиздаги барча тадбиркор ва ишбилармонларни мамнун этган Фармон ва Қарорлар сафимиз янада кенгайрилган катта ҳисса қўиши шубҳасиз. Негаки, ди-лида тадбиркор бўламан деган ва говлардан чўчиб истганини амалга ошира олмаётганлар учун ҳам юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатлар имкониятлар яратиб берди, дадил ҳаракат қилишга ундади. Чунки, улар тадбиркорга қулай шароит яратди, ҳуқуқини ҳимоялаб, эркинлигини кафолатлайди. Ишлайман, янгилик яратаман, иқтисодиёт-га, фаровонликка ҳисса қўша-ман деган эзгу ниятли тадбир-кор ва ишбилармонга бу жўла ҳам зарур.

— Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими-ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг аҳамияти беқийс. Унга кўра тадбиркорлик субъектлари турли хил беҳуда текширишлардан, фаолиятла-рига ноқонуний аралашувлари-дан халос бўлди. Шунингдек, Фармонда кўрсатилганидек, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низолари-

нинг ҳўжалик суди ёки ҳакам-лар суди томонидан кўриб чи-қилиши ҳам мақсадга мувофиқ-дир. Негаки, бу билан тадбир-корлар учун ўзлари дуч келган низоини ҳал этишнинг муқобил механизми яратилиб, ишбилар-монлар учун мадад бўладиган янги тузилма пайдо бўлади. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида шартно-мавий муносабатлардан муай-ян низолар келиб чиқиси эҳти-молдан холи эмас. Ана шундай пайтда низоларни ҳал этишда тадбиркорлик субъектлари ва бирлашмаларининг ўзлари то-монидан ҳакамлар суди ташкил этилиши тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини оди-лона ва холис ҳимоя қилишда аҳамиятлидир.

— Шунингдек, "Микрофир-малар ва кичик корхоналарни ривожлантириш рағбатлан-тириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда эса жорий йил 1 июлдан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, республи-ка йўл жамғармаси ва мактаб таълими жамғармасига мажбу-рий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этиш

кўзда тутилган. Яна шу ҳам кўрсатилганки, ягона солиқ тўловини тўлайдиган микро-фирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонла-ри учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади. Ҳўш, бу нарса бизнинг корхонага нима беради?

— Мана шу ижара ҳақидан озод этилишимиз йилга 25 миллион сўм фойда бўлади биз-га. Буни эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ишчиларни моддий рағбатлантиришга сарф-лаймиз. Шуни алоҳида айтиб ўтиш кераки, фаолиятимизнинг ўтган даврида қўлга киритган му-ваффақиятларимизнинг асосий омили излашни, ташаббускор-лик, бозорни ўрганиш бўлса, шунинг барбарада юртимизда тадбиркорликнинг қўллаб-қув-ватланаётгани кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшмоқда, ютуқларимиз ва гоёларимиз манбаи бўлмоқда.

— Бугунги кунга келиб фа-олиятимизнинг илк даврида ишлаб чиқарган бир неча тур-даги маҳсулотимиз 40 хилдан ҳам ортиб кетди, аҳоли этиб-жи ва бозор талабини қониқти-радиган янги-янги рақобатбар-дор меҳнелар тайёрлашмиз.

Мақтаниш эмаску, биз тайёрла-ётган мебель маҳсулотларимиз бугунги кунда хорижники билан бемалол рақобатлаша олади, кўриниши, мустаҳкамлиги би-лан импорт ўрнини босади.

— Энг муҳими эса йил сай-ин ривожланиш сари одимлаш-миз. Маҳсулотимизга Қозғоси-тон, Қирғизистон ва бошқа дав-латлардан буюртмалар тушмоқ-да. Цехларимиз эса Италия дастоҳлари билан жиҳозланган. Айни кунларда лизинг асосида Чехия давлатидан замонавий дастоҳ келтириш ҳаракатида-миз. Янги офис ва кўргазмалар залини қуриб битказдик ва Мус-тақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида ишга туширамиз.

Албатта, тадбиркорларга ҳимоя керак, ана шунда улар-нинг иши юришади. У ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билиши ҳам лозим, дунёқарашини шаклан-тириши даркор. Қувонмоқ ке-рак, фахрланмоқ керак, ахир Президентимиз бизга ишонч билдирапти, шароит яратиб, имоният бериб қўллаб-қувват-ляпти. Зеро, биз бунга ҳар биримиз ташаббускорлик, изла-нувчанлик ва тадбиркорлик би-лан жавоб беришимиз, иқтисо-дий рақобатга, халқ фаровон-лигига ҳисса қўшмоғимиз керак.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Халқимиз орасида «Хисобини билмаган ҳамёнидан айрилади», деган мақол бор. Ота-боболаримизнинг беқийс даҳосида пайдо бўлган бу тугал ва ибратли хулоса замирида ҳаёт ҳақиқати ётгани сир эмас. Қундан кунга илгарилаб бораётган ҳозирги ўзгаришлар даврида эса қонун кучидан баҳраманд бўлиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англай олишга эътибор қаратиш лозим. Шу маънода демократик тамойилларга таяниб барпо этилаётган давлатчилигимизда фуқароларнинг эмин-эркинлиги меъёрий ҳужжатлар орқали мустаҳкамланиб бораётгани умумдунёвий андозаларга мос келади.

Истаимизми йўқми, қундалик ҳаёт-да ҳаммамин ҳам истеъмолчимиз. Де-макки, истеъмолчи ҳуқуқларидан етарлиқ хабардор бўлиш бугунги кун учун сув ва ҳаводек зарур. Шу маъно-да Собир Раҳимов туманида олиб бо-рилаётган ишлар кўлами хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Таъкидлаш ке-ракки, туман Истеъмолчилар ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш жамияти томони-дан бир қанча ишлар амалга оширил-моқда. Жамиятнинг бир маромда ва ҳуқуқий асосга суяниб иш юритиши-да туман ҳокимлиги, прокуратура, дав-лат солиқ инспекцияси, ҳудудий тиб-биёт бирлашмаси, санитария-эпидеми-ология маркази, маҳалла фуқаролар йиғинлари сингари бир қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Жамиятнинг ташкил этил-гани ҳали кўп вақт ўтгани йўқ, — дей-ди ташкилот раҳбари Раҳмонберди Мирзамухамедов. — Қисқа давр мобай-нида аъзоларимиз сонини 214 тага ет-каздик. Аъзоларимиз бир йилга аъзо-лик бадали учун 1920 сўм тўлайдилар. Шу арзimas маблағ истеъмолчилари-мизнинг маиший муаммоларининг бар-тараф этилишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, жамиятга аъзо исте-ъмолчиларнинг тиббиёт, коммунал хиз-мат, транспорт, солиқ соҳаларидаги кўплаб муаммолари шу йилнинг бир-ринчи чораги давомида ижобий ҳал этилди, бу борадаги ишлар кўламига

тўсиқ бўлаётган масалаларга ечим топиш йўллари изланди. Шу давр мо-байнида тумандаги 28, 133, 233, 159, 191, 310-сонли ўрта мактабларда ке-лажак ворисларига истеъмолчилар-нинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбу-риятлари хусусида тушунчалар бериб берилди, семинар йиғилишлар ўтказилди.

— Соҳа ходимларидан кўп нарсани ўргандик, — дейди мактаб ўқувчиси Л.Қодирова. — Айниқса, икки йилдан бери мунтазам ўтказилиб келинаётган «Энг ёш истеъмолчи» кўрик-танлови тенгдошларим қатори менинг ҳаётим-да ҳам ўзига хос саҳифа очди. Негаки, биз истеъмолчи ҳуқуқларидан хабар-дор бўлсакки, келажақда ҳақ-ҳуқуқини таниган, саводхон истеъмол-чи бўлишимиз мумкин.

Соҳада амалга оширилаётган ян-гилик ва ислохотларни, ҳуқуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарор-лар мазмун-моҳиятини истеъмолчи-ларга тўғри тушунтиришда муассаса-ларда тузилган таянч гуруҳлари яқин-дан ёрдам бермоқда. Шу йилнинг май-июнь ойлари ҳолатига кўра, тур-ли хил маиший хизмат кўрсатиш бўйича 4 та, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятидаги камчилик-лар юзасидан 2 та, транспорт воси-талари фаолиятидан қониқмаган 3 та истеъмолчиларнинг аризалари ижо-бий ҳал этилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Айни дамда «Компрессор» заводи ак-циядорлик жамияти шаҳримиздаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналар-дан саналади. 60 йилдан зиёд фаоли-ят давомида Ўрта Осиёда катта тажри-бага эга бўлган ушбу корхонада асо-сан компрессор ускуналари ва кенг тур-даги филтёрлар ишлаб чиқарилмоқда.

Иқтисоқий


КОРХОНАНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИ

Ҳозирда ушбу завод «Осиё-Компрессор-филтёр» ва «РФН-Компрессор-филтёр» Ўзбекистон-Америка қўшма корхоналари-га бўлинган бўлиб, бу ерда ҳаво компрес-сор агрегатларининг илк туркумлари иш-лаб чиқарилмоқда. Ушбу замонавий курил-малар ҳозирда немис ҳамкорлар билан биргаликда яратилмоқда. Шунингдек, улар-нинг ёрдамида заводда юқори самарали компрессор курилмаларини ҳам ишлаб чи-қаришга эришилди.

Корхонанинг ўнг қаноти ҳисобланган «Осиё-Компрессор-филтёр» масъулияти чекланган жамиятига алоҳида тўхталиб ўта-диган бўлсак, ушбу корхонада турли хил-даги филтёрлар тайёрланади. Корхона айни пайтда Германиянинг илғор технологияла-ри ва юқори сифатли немис ускуналари билан жиҳозланган. «ЎздЭУ авто» қўшма корхонаси заводнинг асосий буюртмачила-ридан саналади. Жорий йилда маҳаллий-лаштириш дастурига асосан 85 минг ана шундай филтёр элементларини ишлаб чи-қариш режалаштирилди.

Янги ташкил қилинган «РФН-Компрес-сор-филтёр» қўшма корхонасида мой филтёрларининг тўлиқ мажмуаси ишлаб чи-қарилмоқда. Илгари четдан келтирилган ушбу филтёрлар юқори сифати ва рақобат-бардошлиги билан ички бозоримизда ўзи-нинг муносиб ўрнига эга. Жанубий Корея-нинг замонавий технологиялари билан жи-ҳозланган ушбу корхонада дастлабки ойда 3 минг донга ана шундай филтёр элемен-тлари ишлаб чиқарилди.

Орузгул РУСТАМОВА



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Мамлакат президенти Сулеймон Бамбанг Юд-хойоно Ачех вилояти ис-ёнчилари билан муро-сага боришга қарор қилган. Бу хайрли қадам Индо-незияда ҳуқумат ва ис-ёнчи гуруҳлар ўртасида кечган 30 йиллик жо-жароларга чек қўйилишига умид уйғотади.

● Саудия Арабистони Хавфсизлик хизмати ва-киллари мамлакат пойтах-ти Эр-Риёд шаҳридан жан-убуруқда портловчи курилмаларни ишлаб чи-қаришда фойдаланилади-ган катта миқдордаги ма-териаллар мавжуд яши-рин омборни топдилар. Шу каби кимёвий мод-далардан аксарият «Ал-Қоида» жангарилари бом-баларни тайёрлашда фой-даланиши маълум бўлди.

● Мисрдаги муҳолифат партиялардан бири «Про-грессив юнион бирлашма-си» жорий йил 7 октябр-да мамлакат президент-лиги учун бўлиб ўтади-ган сайловда қатнашмас-лигини эълон қилишди.

● Исландияда 300 на-фар нигериялик уйдабу-рон фирибгарлар фаоли-ятига чек қўйилди. Бу қаллоблар гуруҳи халқа-ро миқёсда иш олиб бо-риб, 50 дан зиёд давлат фуқароларидан 100 мил-лион доллар миқдорда-ги пулни фирибгарлик билан ундириб олганли-да айбланмоқда.

● АҚШнинг жануби-гарбда жойлашган штат-ларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши рекорд дара-жага етди. Аризона шта-ти ҳуқумати вакилининг билдиришича, жазирама тўғрисида 24 киши ҳаёт-дан кўз юмди.

● Чеченистондаги Зна-менск қишлоғида амалга оширилган, 14 киши ҳалок бўлган ва 34 киши жароҳатланган террорчи-лик ҳаракатида Шамил Басаевнинг қўли борли-ги тахмин қилинмоқда.

● Буюк Британия Ички ишлар вазири Чарльз Кларк мамлакат парла-ментига берган маълумо-тига кўра Лондон шаҳ-рида шу йилнинг 7 июли-да амалга оширилган тер-рорчилик ҳаракатлари на-тижасида ҳаётдан кўз ю-ман барча 56 нафар ки-шининг шахси аниқлан-ган.

ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустақам қонунчилик асослари яратилган. Истеъмолчи «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни яхши билиши керак. Бу эса товарларни сотиб олишда, хизматларга буюртма беришда ёки бошқа ишларнинг бажарилишида истеъмолчиға ишонч бахш этади. Асосийси, ўз пешона тери эвазига топган даромадининг сифатсиз маҳсулот ёки хизматга сарфланишидан ҳимояланиши учун имкон яратади.

Мавжуд қонунларни фуқароларимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш, ички бозорда сотилаётган товарларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, бутунги кунда аҳолининг истеъмол маданияти юксалмоқда. Сифатсиз хизматларга дуч келаётган юртдошларимизнинг тегишли идораларга дарҳол мурожаат қилаётгани муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилишига йўл очаётир.

Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига истеъмолчилардан келаётган ариза ва шикоятларнинг аксарияти коммунал хизматларнинг қониқарсиз аҳволи билан боғлиқ. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида юздан зиёд шикоят келган бўлса, унинг саксон фоизи шу йўналишда.

Юнусобод тумани 5-мавзеси 10-уйда яшовчи фуқаролар юқори қаватларга

Китоб- маънавияти- мизни оширувчи, қалбларимизга билим нури- ни синдирувчи бебаҳо хазинадир. Айниқса болаларда китоб ўқишга бўлган ҳавас ва иштиёқни кучайтириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Шу боис ҳозирги кунда болалар кутубхоналарига эътибор яна ҳам кучайди. Чунки китобга ошно бўлган болаларнинг келажаги порлоқ бўлиши аниқ.

Шакристон

БОЛАЛАРГА ЯНГИ КИТОБЛАР

Кун кеча Республика Давлат болалар кутубхонасида Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан Ўзбекистоннинг 13 вилояти бо-

лалар кутубхоналарига Россия болалар адабиётининг замонавий наشرлари, рус ва жаҳон болалар адабиётининг қарийб уч мингта яқин бадиий, илмий-оммабоп ва қомусий намуналарининг топширилишига бағишланган тақдирот маросими ҳамда «Россия болалар китоблари»нинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу кўргазмада адабиётлар жанрлари, мавзулар турларининг барча таркибий кенлиги намойиш қилинди. Эндиликда ушбу кутубхонада дарсликлар ва барча ёшдаги болаларга мўлжалланган адабиётлар, бадиий, илмий-оммабоп, маълумотнома, энциклопедик- қомусий китоблар, шеърӣ ва насрий турли мавзу ва жанрдаги адабиётлар, ҳозирги замон ёзувчиларининг асарларини, мумтоз, соғабол китобларни, бетақроқ янги ва қайта наشرларни кўришингиз мумкин. Шу муносабат билан мазкур кутубхонада бўлиб ўтган талбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ва-

ичимлик суви етарли даражада етказиб берилмаётганидан шикоят қилган эди. Бошқарма ходимлари «Сувсоз» трести ва «Қўшчиноқ коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати ходимларини жалб қилган ҳолда аҳволини ўрганиб чиқди. Истеъмолчиларнинг ҳақини эътирозидан сўнг эскириб қолган насослар алмаштирилиб, муаммо бартараф этилди.

Шайхонтоҳур тумани Белтепа мавзеси 3-уйда яшовчи истеъмолчилар эса иссиқлик таъминотидаги муаммолар юзасидан арз қилишди. Натижада кўрсатилмаган хизмат учун тўланган 110 минг сўмдан зиёд маблағ «Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш бирилмасидан истеъмолчиларга қайтарилди.

Ўтган давр мобайнида бошқарма ходимлари истеъмолчиларнинг ўз вақтида қилган ҳаракатлари натижасида уларга етказилган уч миллион сўмдан зиёд зарарни ундиришга қўмақлашди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



зиллиги, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда сўзга чиққанлар мамлакатимиз ва Россия ўртасида барча жабҳаларда, айниқса маънавий-маърифий ва маданий соҳалардаги алоқалар тобора ривожланаётганини таъкидладилар.

Мазкур китоблар барча вилоятлардаги болалар кутубхоналарига тарқатилди, деди Республика Давлат болалар кутубхонаси директори Ф. Бухарова. Бу соҳадаги ҳамкорлик ёш авлоднинг китобхонлик маданиятини янада юксалтиришга, болаларни жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналари билан яқиндан ошно этиши ва таништириш, ушбу соҳада ўзаро таъриба алмашиш имконини беради.

Мана шундай тақдирот маросимларини мамлакатимизнинг яна бир нечта вилоятлари болалар кутубхоналарида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: Республика Давлат болалар кутубхонасида бўлиб ўтган тақдирот маросимдан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Мунозаза, мунозара

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР АМАЛИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

Қайси ошхонага кирманг, хўрандаларнинг овқатланиш билан бирга сигарет тутатиб ўтиганига гувоҳ бўласиз. Албатта ошхона маъмурияти мижозлари сонини камайтирмаслик мақсадида уларга индашмайди, балки сигарет чекаётган кишига кулдонни ҳам тутқизишади.

Очигини айтганда бу инсофдан эмас. Чунки ошхона жамоат аҳлига хизмат қилади. Дарвоқе, хўрандалар орасида сигарет тутуни ёқмайдиغان, бронхит астма хасталиги билан оғриганлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, чекиш инсон саломатлигига зарарли эканлигини ҳамма билади. Лекин...

Яқинда танишлар билан шаҳримиз марказидаги «Истарафшон» қаҳвахонасига кириб қолдик. Тўғриси, бу ерда хўрандалар учун яратилган шарт-шароитни, озодлигу саришталикни кўриб қувондик. Қизиғи, бирор-бир стол устида кулдон йўқлигига хайрон ҳам қолдик. Оғайнилардан бири овқат тановул қилиб бўлгач дарҳол сигаретини лабига кистирди. Деярли ҳар ярим соатда чекмас туролмайдиغان дўстимизнинг ҳаракатларини ўзқадан кузатиб турган ошхона хизматчиларидан бири дарҳол югуриб келди-да, чекиш мумкин эмаслигини эслатди. Дўстимиз ноилжог сигаретасини ўчиришга мажбур бўлди.

Бу воқеани эслашдан мурод шуки, Сихат-саломатлик йилида зарарли иллатларга қарши курашишни шюр қилиб олган эканмиз, ҳар биримиз «Истарафшон» қаҳвахонаси ходимлари сингари амалий ҳаракат қилмоғимиз шарт.

Анвар ҚУРБОНОВ

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Ҳар йили ёзининг жазирама кунлари бошланиш биланок камина, умр йўлдошим ҳамда невараларни олиб тоғ ён бағрида уч-тўрт кун дам олиб қайтамиз. Жорий йилда ҳам бу анъана бузилмади.

Яқинба кун эди. Мириқиб хордиқ чиқариб Тошкентга қайтагилдик. Пешин маҳали Катта халқа йўлидан шаҳарга кираверишда йўл бўйида йиғлаб турган 5-6 ёшли боласини овута олмайётган ёш аёлга кўзимиз тушди. Қизиғи шундаки, музқаймоқ ёяётган болакай нима учундир чинқириб йиғлар, онаси эса уни овута олмай хайрон эди. Умр йўлдошим Мехрихоннинг қизиқ одати бор. Ёш боланинг йиғлаётганини кўрдими, бас, ўзини тўхта олмайди. Албатта болани (у кимнинг боласи бўлишидан қатъи назар) суйиб эркалайди, чўнтагидан конфетни, қуртми олиб болага тутди. Қизиғи, унинг ёнида албатта нимадир бўлади. Онасининг феълени билган ўғлим Асқар машина тезлигини пасайтирди.

— Болам, машинангни шу ерда тўхта, — ялина бошлади Мехри Асқарга.

— Ойижон, озгина қолди. Кетаверайлик, — ўғлим ҳам норози эканлигини янаибир ўтирмади-ю, барибир йўл чеккасида тўхтадик.

Бола ҳамон чинқириб йиғлар, юзи, кўзи, қўйлақлари шалаббо бўлган, музқаймоқ юқидан афти-ангорини таниб бўлмади. Мехри секин боланинг ёнига борди.

— Сенга нима бўлди буталогим, — дея боланинг юз-кўзини артиб бағрига босди.

— Музқаймоқ деди олиб бердим, конфетни қўмсаб қолди, бу истагини ҳам бажардим. Энди шоколад дейди. Йўқ шоколади қаердан оламан, — ёш аёл Мехрига ҳасрат қила кетди, — دادаси халдан зиёд эркалатиб юборган. Жим бўл, яшшамагур.

— Хой синглим. Болани уришманг. Болалигим — пошшоллигим деган гап бор. Ҳозир овуниб қолади, — дея аёлга танбех бераркан Мехри болани яна бағрига босди, юзидан ўлди, чўнтагидан битта конфет олиб қўлига тутқазиб қўйди. Қизиғи, бола ҳам дарров ҳикиллашдан тўхтади. Мехри берган конфетни иштаҳа билан шима бошлади.

— Каерга кетяспизлар, ўргилай, — Мехри аёлдан сўради.

— Юнусободга, — жавоб қайтарди аёл.

— Юринг биз билан. Йўлимиз бир экан. Сизларни ҳам ташлаб ўтамыз, — Мехри она-болани машина томон етаклаб кела бошлади. Табиийки, Мехрининг оқ кўнглиги ўғлимиз Асқарга эриш туюлди, унга ёқмади. Машинани елдек хайдаб бораркан, Асқарнинг қовоғи ҳеч очилмади. Ноқулай вазиятда қолган аёл боласи билан «Ором» қаҳвахонаси ёнида тушиб қолди.

— Ойижон, нима қиласиз, бировларнинг ишига бурнингизни тикиб. Бола уники, ўзи овутиб олади, — тўнғиллади Асқар Мехрига.

— Боланинг бегонаси бўлмайди. Қандай қилиб йиғлаб турган кичкин-тойни ташлаб кетаман. Айт ўзинг болам.

Асқар онасига индамади. Аммо, Мехрини ҳам тушунмади. Мен эса ҳаёт мактабини озми-кўпми татиған қария сифатида умр йўлдошимнинг ҳаракатларини тушунгандек бўлдим. Назаримда она чексиз бир уммон. Биз билмаган ҳақиқат шуки, оналар учун болаларнинг бегонаси бўлмас экан. Бунга сиз нима дейсиз, газетхон?

Анвар МУҲСИМОВ

ЧАНҚОКНИ КОНДИРДИ, АММО...

«Соғлом танда соғ ақл», дейди доноларимиз. Дарҳақиқат, ҳар биримизнинг саломатлигимиз ўз кўлимизда. Ҳайрон бўлманг газетхон. Бу гапларни бежизга айтаётганим йўқ.

Пешин маҳали. Соат иккилардан ошган. Қариндошлардан бириникидан келяпмиз. Кун кизигандан қизиди. Чанқоқ одамни қинайди. Йўл бўйида ўрик шарбати сотишаётган экан. Машинамиз хайдовчиси Олимжон дарҳол тўхтади.

— Бир мазза қилайлик. Қани катта косага тўлдириб қуйинг, ака, — деди ўрик шарбати сотаётган кишига.

Иштаҳа билан бир сипқорилда косани бўшатди. Каминанинг ҳам ҳавасим келиб шарбатдан икки косасини мириқиб ичдим. «Нима бўпти», дейишингиз мумкин газетхон. Гап шундаки, «синамаган отинг сиртидан ўтма», деганларидек, дуч келган ердан ўрик шарбатими ёки бошқа чанқоқбосди ичимликми, ичиб кетавериш мумкин эмас экан. Сабаби, биз ичган ўрик шарбати чўнамам мазани қочирди. Ишонасизми, бир ҳафта шифохонда даволанишга мажбур бўлдим. Йўл бўйларидан, жамоат жойларидан ўрик шарбати, айрон, гўжа сотаётган «тадбиркор» кимсаларга инсоф берсинда. Йўқса, кўпчилик каминанинг ҳолига тушиши табиий.

Аъзам ЁДОРОВ

Хар бир халқнинг ҳеч кимга ўхшамаган, фақат ўзигагина хос фазилатлари бўлади. Бу фазилатлар ўша халқнинг қалбини, мен-талитетини белгилайди. Ўзбекларнинг бошқаларга ўхшамайдиган кўп урф-одатлари, қадриятлари орасида энг кўзга ташланганини — меҳмондўстлик, андишаллик ва сабр-бардош эканига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Уйга меҳмон келса, хурсанд бўлади, топан-туганини аямайди, кимдир ноҳолисроқ бўлиб, манманлик қилса ҳам юзига чопмайди, хурмат-иззат, маданият билан ўз гапини айтади. Сабр-бардошда-ку худо берган, ҳеч ким чидамаган синовлардан кўп ўтган, бошига оғир кулфатлар тушганда ҳам ўзини йўқотмаган, мулоҳазали бўлган, гапини ўйлаб гапирган, етти ўлчаб бир есган. Лекин кимдир миллий ғурурига тегса тоқат қилолмайди, сабр-бардоши тугаб, ўз сўзини айтади.

Шу кунларда Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Хонобод қишлоғи фуқароларидан тахририятимизга кетма-кет келган хатларни ўқиб, хаёлдан ана шу фикрлар ўтади.

Ўтган ҳафтада Хонободдан келган бир хатда шундай сатрлар бор:

«...Газеталарда ёзилаёпти, радиодан гапирилаяпти, буларнинг ҳаммаси тўғри. Аммо, бизнинг кўнглимизда дардларимиз кўп. Бор гапни яширмай айтиш керак. Бирорта мухбир келиб, аҳволни ўз кўзи билан кўриб, гапларимизни ўз қулоғи билан эшитиб ҳақиқатни ёзса, тегишли идоралар масалани тезроқ ҳал қилган, бизни ташвиш ва муаммодан тезроқ қутқарган бўларди.

Уч йилдан бери чидаймиз, қачонгача давом этади бу ҳол? Сабрнинг ҳам чеки бор-ку. Биз қишлоқдошлар билан кўп фикрлашдик. Ахир Афғонистонда толибонлар тузуми тугатилган бўлса, янги ҳукумат ишлайётган бўлса, булар нима қилади бу ерда? Майли, керак пайтда жой бердик, толиблар умумий душманамиз эди. Энди бу база кимга, нимага керак? Қишлоқнинг бошқа ёққа кўчиришининг имкони йўқ. Лекин бу аҳволда яшаш ҳам мумкин эмас. Бунга ўнлаб асослар келтириш мумкин. Масалан...»

Хатда ёзилган мисоллар, тўғриси, кишини ҳайратга солади, чуқур ўйга толдиради. Аҳволни атрофлича ўрганиш, ҳолис баҳо бериш учун Хонободга йўл олдик. Ҳар ҳолда кўзинг билан кўрган бошқа.

Муаммони ўрганамиз деб бориб, ўзимиз муаммога дуч келдик. Вилоят ва тумандаги мутасадди раҳбар ходимлар Хонобод қишлоғи учта халқа билан ўралгани, у ерга ташқаридан ҳеч ким киритилмаслигини айтишди. Узоқ муҳокамадан сўнг туман раҳбарлари ёрдамида биринчи халқадангина ичкари киришга рухсат бўлди.

Қарши — Ғузур йўналишидаги йўлнинг ўнг томонида бир неча километрга чўзилиб кетган тикан-

ли симдан иборат девор кўзга ташланади. Бир тепалик устида эса кузатув посты, икки соқчи. Хонобод қишлоғига киришда яна қуролланган соқчилар посты, тўсиқ. Манзаранинг ўзидан кўнглига ғашлик чўқади, руҳинг оғирлашади. Худдики, бегона жойга, хавф-хатарли худудга келиб қолгандек сезасан ўзингни.

Қишлоқ фуқаролар йиғинига кириб келишимиз билан яқин атрофдаги одамлар қуршовида қолдик. Улар бир-бирларига навбат бермай ҳаяжонланиб гапиришарди. Эшитсанг ҳаммасининг гапи асосли, дарди оғир...

Ҳикматой КўПАЙСИНОВА, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Фуқароларимиздан шикоятлар кўпайгандан кўпайиб кетаяпти. Нима деб жавоб беришни билмаймиз. Самолётлар тунда, тонгда учади. Айниқса каттаси учганда ваҳимаси бутун қишлоқни босади. Қариялар бор, юраги ёки асаби хасталар бор. Ёш болалар, чақалоқлар-чи? Юракларимиз бе-зиллаб қолди. Салима деган бир ёш келинчақ бешикдаги боласи самолётнинг ваҳимали овозидан қалтираб уйғониб кетишини айтиб келди. Бу аҳволда болам нима бўлади, юрак ўйноғи бўлиб қолади-ку, деб йиғлади.

Кейин... бу ўзбекчилик... тўймаърака бор, келди-кетди бор. Аммо қишлоққа қариндошларимизни киритишмайди. Биз олиб-югуриб рухсат олгунча постда кутиб ўтиришади. Кейин бориб кутиб олиб, яна ўзимиз постгача 2-3 чақирим йўл юриб келиб кузатиб кўямиз. Одамга алам қилади, ўз юртимизда, ўз қишлоғимизда эркин бўлмасак.

Ойсоат ТОПОРОВА, нафақахўр:

— Самолёти жуда пастлаб учади, нақ уйлар устидан учади. Биз кексаларга айниқса оғир. Уйқудан уйғониб кетиб, қулоқларимизни бекитиб ўтираемиз. Болаларимизга ҳам қийин бўлаяпти.

Сувни айтмайсизми, оқар сув тўхтади. Қишлоққа келадиган ариқ уларнинг базасидан ўтган, берки-тиб ташлашди. Томорқалар сувсиз қолди. Тирикчилигимиз асосан шу томорқа кетидан эди. Энди даромадсиз қолаёпмиз. Дарахтлар ҳам сувсизликдан қурий бошлади. Ўнта қудуқ қазиб берамиз деб ваъда қилишган эди, қазиб беришмади.

Шамил ЮСУПОВ, нафақахўр: — Бир катта самолёти бор, гум-гум қилиб учади, овози бошни гувуллатади, юракка урилади. Уч йилдан бери аҳвол шу... Кўп жойларга ёздик, ҳозирча натижа кўринмаяпти.

Самолётлар уча бошлагандан бери, уйларнинг деворлари ёрилиб кетаяпти. Ёрилган жойлари-

ни сувоқ қилиш учун кум, цемент олиб келиш керак. Шаҳардан машина ёллаб олиб келсак, қишлоққа киритишмайди, пост олди-га тўкиб, қишлоқдан машина олиб келиб, ортиб кетишимиз керак эмиш...

Хар бир одам тўй қилишни орзу қилади. Янги иморат қурсам дейди. Ташқаридан машина киритмасан, нима қилишимиз керак?

Масалан, қишлоққа келадиган сув тўсиб қўйилган, томорқа йўқ бўлди, даромаддан қолдик. Бу оила бюджетига катта зиён етказмоқда. Бунинг устига ерлар шўрлана бошлади, ерни қазисангиз шўр сув чиқади.

Одил ЮСУПОВ, маҳалла фаоли:

— Оилада неваралар билан саккиз кишимиз. Бизнинг уй ҳам ёрилган. Ремонт қилиш учун қурилиш материаллари олиб келувдим, постдан киритишмади. Туширасан, бошқа машина олиб келиб, олиб кетасан дейишди. Ярим соат мижоза қилдик. Биламан, уларга шундай топшириқ берилган. Аммо, биз нима қилайлик? Ноқулайчи-

даромадимиз ҳам яхши бўлувди. 2003 йилда ерни шудгорлаб, аммофос бергандик, бошқа минерал ўғитлар солгандик. Қилган харажатишимизни тўлашмади. Натижада қарздор бўлиб қолдик.

2004 йилда шўр жойдан ер берилди. Бу ердан тузукроқ ҳосил олиш, даромад кўриш учун анча меҳнат, харажат керак. Ҳаммадан деҳқонга қийин бўлди. Кечаси салқинда ғўзани суғориш ёки ерни шудгорлаш, буғдой ўриш керак, рухсат йўқ, трактор ёки машина чироғини ёқмаслиги керак.

Шундай қилиб ердан ажрадик, қишда, баҳорда қилинган меҳнатимиз, харажатишимиз ҳавога учди. Даромаддан қолдик. Яна денг, қарздор бўлиб қолдик. Ҳозир қарздорлик бўйича бизни судга чақиритишди. Қандай тўлайман, ўн бир жонимиз, бешта болам, келинлар, набиралар бор. Тўлашсин ўшалар, нега бизга етказган зарарни тўлашмайди?

Обид ОЧИЛОВ, «Умарбек» фермер хўжалиги бошлиғи:

— 2001 йили 18,3 гектар ер олгандик. Анча меҳнат қилиб, ерни

жати? Одатда бировнинг айби билан биров зиён кўрса, айбдор зарарни қоплайди-ку. Бу аввало, одамгарчилик қоидаси, қолаверса, қонун бор-ку.

Қахрамон ХҲҲАЕВ, вилоят Табиати муҳофаза қилиш кўмитаси раиси ўринбосари:

— Бу қишлоқ экологик жиҳатдан ҳам жуда тоза эди. Хонобод деб бекорга айтилмаган... Сокин, сўлим қишлоқ эди. Боглари, сувлари, полиз экинларидан кўз қувонарди. Уч йилдан бери нафақат одамлар, табиат ҳам зарар кўрмоқда. Ҳарбий самолётлар, айниқса, юк ташиш самолётидан чиқадиган тутун ва захарни кўз ўнгингизга келтиринг. Булар қис-қисдан қилинган меҳнатимиз, харажатишимиз ҳавога учди. Даромаддан қолдик. Яна денг, қарздор бўлиб қолдик. Ҳозир қарздорлик бўйича бизни судга чақиритишди. Қандай тўлайман, ўн бир жонимиз, бешта болам, келинлар, набиралар бор. Тўлашсин ўшалар, нега бизга етказган зарарни тўлашмайди?

Бундан ташқари, база худудидаги ишлаб чиқариш, қурилиш ва маънавий иншоотлар қишлоқлари... Уларни тур-турларига ажратиб, тахлаб, тегишли жойларга жўнатиш керак. Ҳарбийларнинг командирларига хат ёздик, жавоб

марказий сув қувурининг 2 км.га яқин жойи Хонобод базаси худудидан ўтган. Америка ҳарбийлари Хонободда жойлашган 2001 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб марказий қувурдан кўп миқдорда ичимлик сувининг йўқолиши ҳолати кузатилмоқда. Бир неча бор муурожаат қилинишига қарамасдан, ҳозирга қадар сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бартараф этилмапти.

Шу йилнинг 6-7 июль кунлари Америка ҳарбий базасида сарф этилаётган ичимлик сувининг мониторингинг ўтказилди. Мониторинг ҳарбий базанинг бир қисмида ўтказилди, қолган қисми эса ўта кўриқланган, кириш таъқиқланган худуд бўлганлиги сабабли ҳисоб-китоб қилинмади. Шу тариқа, ўтган йиллар мобайнида фойдаланилган сувнинг ўртача миқдори аниқланди... АҚШ ҳарбий базаси томонидан сарф қилинган ичимлик суви миқдори 3929310 м3. Сув миқдорининг қиймати 707270 млн. сўм, АҚШ доллари қийматида 791208 АҚШ доллари ташкил этмоқда».

Дарҳақиқат, 2001 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Афғонистондаги мураккаб вазият, толибонлар тузуми ва халқаро терроризм Марказий Осиёга таҳдид солиб турганини ҳисобга олиб, Хонобод аэродромидан АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига гуманитар юмушларни амалга ошириш учун фойдаланишга вақтинчалик рухсат берганди. Асосий вазифа — Афғонистон шимолидаги толибларга ҳаводан зарба бериш пайтида қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш эди. Бугун ҳамма билади, Афғонистонда толиблар тузуми парчалаб ташланди. Бундан нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки Европа, бутунжаҳон манфаатдор бўлди. Ҳўш, бугун бу аэродромда АҚШ чекланган контингентини ўшлаб туришдан мақсад нима? Ёки АҚШ олдида яна бир бошқа мақсад пайдо бўлди?

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остонада бўлиб ўтган галдаги саммитининг якуновчи ҳужжатларида Ўзбекистон ва Қирғизистон худудидаги ҳарбий аэродромлардан фойдаланишни тугатиш муддатини аниқлаш талаби қўйилди. Бу — ўзбек халқининг талаби билан ҳамоҳанг эканлиги юқоридаги фикрлардан кўриниб турибди.

Афсуски, ушбу базаларни Марказий Осиёдан олиб чиқиб кетилиши атрофида ҳар хил фикрлар пайдо бўла бошлади. АҚШдаги айрим арбобларнинг гап-сўзларига қараганда, бу базани олиб чиқиб кетиш истаги йўқлиги сезилиб турибди. Бунга сабаб нима, асос нима, қолаверса, бундан мақсад нима? Ахир бугун толибонлар хавф-хатарни кескин камайган, афғон халқи кийинчилик билан бўлсада ўз ҳаётини ўзи қурмоқда-ку.

Бу ерда АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистондан сир сақлаётган бошқа муддаоси борга ўхшаб туюлади. Акс ҳолда у ШХТ мамлакатлари раҳбарларининг Остонада имзолаган Декларациясида қўйилган талабларга ҳолисона жавоб берган бўларди.

Ушбу масала устида чуқурроқ ўйланса, яна кўплаб саволлар ҳалёлга келади. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакат. Бозор иқтисодиёти нима эканини ким-ким, аммо АҚШ маъмурияти жуда яхши билади. Шундай экан, улар Хонобод қишлоғи аҳолиси-га, фермерларга, хусусий тадбиркорларга етказилган зарарни қоплашни нега исташмайди? Ёки бозор иқтисодиёти қонун-қоидаси ҳар ким учун ҳар хилми? Халқро шартномалар ҳамма учун бир хил эмасми? Агар ҳамма учун бир хил бўлса, у ҳолда уни бузишга кимнинг ҳаққи бор?

Инсон ҳуқуқлари ҳақида ҳаммадан кўп гапирадиган АҚШ арбоблари, сиёсатчилари, журналистлари нега Хонободдаги оддий

одамлар ҳақ-ҳуқуқи бузилаётганига бепарво қарашмоқда? Тиш-тирноғигача қуролланган террорчиларни «тинч намойишчилар» деб, диний экстремистларни эса диндорлиги учун қамолда ўтирибди дея аюханнос қамолда юрган шоввозлар қани, нега овози чикмайди? Ахир Хонободда 900 дан ошиқ хонадон бор, 5300 дан зиёд аҳоли истикомат қилади. Улар орасида чақалоқлар, қариялар бор. Ана шу қишлоқ, унинг аҳолиси уч йилдирки, худди қамолдагидек тиканли симлар орасида... Еридан, томорқасидан, боғидан, даромадидан ажралиб ўтирибди.

Ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деб, дунёга жар солиб юрганлар нега жим? Нима, улар фақат чой-чақа ҳисобига «инсонпарварлик» қилишадими? Ёки улар Хонободдаги аҳволдан беҳабарми? Андижондаги террорчилик ҳаракатидан бир ҳафта илгари хабардор бўлиб, Ўзбекистонга, Андижон шаҳрига етиб келган ғарб журналистлари наҳотки хонободликлар уч йилдан буён арз-дод қилиб келаётганликларини биллишмасан? Билишади, албатта. Аммо бу муаммони кўтариш уларнинг манфаатларига тўғри келмайди.

Шу ўринда Европадаги айрим давлатлар доимо дастак қилиб юрган демократия тамойиллари ёдга тушади. Маълумки, демократия ҳақида гап кетганда одатда АҚШни намуна қилиб кўрсатиш урф бўлган. АҚШнинг ўзи ҳам демократияни байроқ қилишни жуда ёқтиради. Ўзбекистонда ҳам демократия тезроқ ўрнатилишини хошлашади. Ҳа, айнан «ўрнатилишини!», пишиб-етилишини ёки эволюцион йўл билан шаклланишини эмас.

Яна савол пайдо бўлади: ўзини ўта демократик давлат деб ҳисоблаган АҚШ нега бизнинг худудда демократия қонунларига амал қилмаяпти? Нима, АҚШ ўзига бир демократияни, ўзгаларга бошқа демократияни лозим кўради? Ёки қадимий мақолда айтилгани кил-у, қилганини қилма» қабилида иш тутмоқчимиз? Ўзини бошқалардан устун кўрган одамгина шундай йўл тутади. Ўзини хурмат қилган, бошқаларни ҳам хурмат қилади.

Биз демократияни халқ хоҳиши-иродаси, халқ фикри билан ҳисоблашамиз, деб биламиз. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлати ўз худудида ҳар қандай қарорни энг аввало халқ манфаати, хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб қабул қилади. Айтиш лозимки, Ўзбекистон Президентининг Шанхай ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида билдирган фикрлари, — бу, халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодасидир. Бунга ким шубҳа қилса, Хонободга борсин, аҳволни ўз кўзи билан кўрсин, ҳолис ҳулоса чиқарсин.

Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири (Ўзбекистон овози» 2005 йил 21 июль)

Муносабат

ДЕМОКРАТИЯ ВА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ БАРЧАГА БАРОБАР ЭМАСМИ?

лик, норозилик бўлаяпти. **Алишер ОМОНОВ, 60-ўрта мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари:**

— Шовқин болаларнинг эркин фикр юритишига, хотиржам дарс қилишига таъсир этади. Болаларни инжиқ қилиб қўяди. Дарс пайтида самолёт учганда дарсни тўхтатиб, қулоқларимизни берки-тиб тураемиз. Болалар «самолётлар қишлоғимиздан қачон кетади?» — деб сўрашади, уларга жавоб беришга қийналамиз.

Соҳиб ҚУРБОНОВ, нафақахўр:

— Шу йил 21 майда онам қазо қилди. Бундай пайтда, ўзингиз биласиз, узоқ-яқиндан қариндош-уруғ, ёр-дўст келади. Уч кун кўнгли сўраш бўлади. Кейин бошқа маъракалар. Роса қийналдикда. Ўзимиз азадормиз, ташвишимиз етади, бунинг устига фотиҳага келганларни қишлоққа киришига рухсат олиш учун чоп-чоп бўлди. Яна кўпчилик паспортсиз келган денг, уларни киритишмади.

Кечаси қишлоққа умуман ҳеч ким киритилмайди. Ўзимиз ҳам кеч қолсак, яқин-атрофдаги қариндош-уруғиникида ётиб қолиб, тонг отишини кутамиз. Асаббузарликнинг чеки йўқ.

Шакар ОЧИЛОВА, «Баротбо» фермер хўжалиги аъзоси:

— Еримиз иккинчи тўсиқ ичида қолиб кетди. 10 гектар эди. 5 гектарига пахта, 5 гектарига буғдой экардик. Икки йил ҳосилимиз ҳам,

тартибга солиб олувдик... 2002 йилда янаям кўп харажат қилдик. Қанча ўғит, қанча солярка кетди. Меҳнатимиз-чи? Аммо ернинг плита бетон девор ичида қолиб кетди. Натижада 2003 йил қарздор бўлиб қолдик. Қарзларни америкаликлар тўлаб берамиз дейишган экан, лекин тўлашмади.

Бошқа ер беришувди олмадим. Харажатга пул йўқ. Биринчи-иккинчи йили фермер қарздор бўлиб чиқдим, тамом, ўзини ўнглай олмайдим.

Мана, ҳозир фермер хўжалигидаги 5 киши ишсиз. Учта фарзандим бор. Каттаси 9 ёшда. Уларни боқиб, кийинтириш керак. Тўғриси, олибсотарлик қилаёпман ҳозир.

Оддий одамлар билан суҳбатлашгач, деворлари ёрилган уйлардан айримларини бориб кўрдик.

— Мана, қаранг, — дейди қуйини оддий ишчи **Искандар Омонов**, — деразалар синган, айвон ва хоналар деворлари дарз кетган. Айрим жойларини суваб қўйдик, айримлари турибди.

Буниси майли, самолётлар янги уча бошлаган пайтда молхонамиз томи кулаб тушиб молларимни босиб қолди, еттита қорамол, тўртта чўчкамиз ўлди. Милицияга хабар бердик, маҳалла кўмитасига айтдик. Ҳеч ким ёрдам бермади. Ҳисоблаб кўринг, қорамолнинг ҳар бири ўртача 200 минг сўм туради, молхонани бошқатдан ёпиш-чи? Ким тўлайди бу хара-

жамми. Яна бир муаммо, базада техника воситалари ювилган ва шахсий таркиб фойдаланган оқава сувлар тозаланимасдан тўғри коллекторга оқизилмоқда. Коллектордан оққан сув эса М-3 каналга тушиб, тўғри Қашқадарёга кўйилади. Оқава сув билан суғорилган дарахтлар, боғлар қуриб қолаяпти...

Рўзимурод ҲАМРОЕВ, туман марказий шифохонаси бош шифоқори:

— Қишлоқда аҳоли зич: қариялар, чақалоқлар кўп. Уларга тинчлик керак. Ҳомилалар аёл ёки юраги хаста, асаби толиққан одам кечаси ваҳимали товущдан уйғониб кетса, тасаввур қилинг, қандай аҳволга тушади...

Экологик ҳолат бузилган, санитария ҳолати ёмонлашган. Аҳоли ўртасида умумий касалланиш 2001 йилга нисбатан 2,6 баробар ошди, яъни 2257 тадан 6064 тага етди. Айниқса, нафас органлари ва юқори нафас йўллари, қон касалликлари, айрим юкумли касалликлар кўпайиши кузатилмоқда. Самолётлар ҳар қил Афғонистонга учганда инфекция олиб келмаслиги ким қафолат беради?

Махсус рухсатнома бўлмагач, Америка ҳарбийлари жойлашган худуднинг санитария ҳолатини текширишининг имкони ҳам йўқ.

Вилоят «Сувқоова» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **Х.Луқмонов** маълумотномасидан: «Шаҳрисабз — Қарши — Муборак

Сайфулло ХАЙРУЛЛАЕВ, Қарши тумани ҳоқими:

— Ҳисоб-китоб қилинса, моддий ва маънавий зарарнинг тоши жуда оғир: Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича 9 та фермер хўжаликлари, уларга бирқитилган 150,0 гектар ер майдони сим тўсиқлар ичида қолди. Шундан 140 гектари сувли экин ер, 10 гектари ариқ, йўл ва бошқа майдонлардан иборат. Туппа-тузук экинзорлар оборабдан чиқиб, ташландик бўлиб қолаяпти.

Энди ҳисоблаб кўрайлик, масалан 20 гектар ердан ўртача 30 центнердан пахта олинса, 60 тонна бўлади. Бу 15 миллион сўм дегани. Ёки 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан буғдой олинса, 80 тонна бўлади. 1 тонна буғдой 90 минг сўмдан бўлса, даромад 7 млн. 200 минг сўм бўлади. Ҳисоблаб кўринг: уч йилда 150 гектар ердан қанча ҳосил, қанча даромад олиш мумкин? Энг ёмони, қанчалаб одам ишсиз қолди, айрим фермерлар «синди».

Халқ бизга уч йилдан бери бу муаммо юзасидан ҳам озгаски, ҳам ёзма мурожаат қилаёпти. Вазият чиндан ҳам чегараси бор, албатта.

Ҳоким билан суҳбатимиз давомида унинг столида одамлардан тушган ўнлаб аризаларни кўрдик. Уларнинг ҳар бирида «қачон бу муаммолардан қутиламиз, ахир бу ер Америка ҳарбийларига вақтинча берилгани-ку, жойни қачон бўшатишди?» каби саволлар қўйилган.



— Кўзимнинг оқу қароси, сенсан ўзинг кўзичоғим...
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Фоал

МИЛЛИЙ МАҚОМНИ ОЛАДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази йирик тадқиқот даргоҳига айланиб қолган. Унинг таркибда фаолият кўрсатаётган ботаника боғларида ҳам кенг қўламли кузатишлар олиб борилмоқда.

Тошкент Ботаника боғида шу йўналишда амалга оширилаётган тадқиқотлар эса халқро аҳамият касб этмоқда. Шу боис мазукур ўсимликлар олами намуналарини ўз бағрига олган бу боғ нуфузини янада кўтариш ва ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Марказ олимлари томонидан янги миллий дастурнинг тайёрланиши ҳам айна мудида бўлди. Ушбу ҳужжатда боғга «Миллий ботаника боғи» деган мақом бериш билан боғлиқ тавсиялар ҳам ўз ифодасини топди.

Шунингдек, Тошкент ботаника боғи марказий гербарийси ҳам миллийлик мақомини олади.

Аҳмад ВАЛИЕВ

— Шухрат Бойсович, суҳбатимизни аввало Ибн Сино Халқаро жамғармаси фаолиятидан бошласак...

— Бажонидил, авваломбор жамғарманинг қисқа бўлса-да тарихига назар ташласак. Ибн Сино Халқаро жамғармаси Президентимиз Исрол Каримовнинг 1999 йилнинг 6 январдаги «Ибн Сино Халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони билан ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари Ибн Сино таълимоти, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш, бу борда ташаббус кўрсатиш ва ҳоказолар белгиланган. Бугунги кунда бу борда бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, аҳоли, айниқса оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, кашандалик ва гиёвандликнинг олдини олиш, фуқаролар орасида энг кенг тарқалган касалликлардан бири — темир танқислигидан келиб чиқаётган анемия (камқонлик)ни даволаш ва олдини олиш чораларини кўриш учун жамғарма томонидан қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жамғарма ҳузурда ташкил этилган ва бугунги кунда самарали фаолият кўрсатаётган «Гиёвандлик профилактикаси бўйича маслаҳат маркази»да 2004 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мубайнида 50 дан зиёд ўқитувчилар ва 300 га яқин ўқувчилар гиёвандликка қарши кураш йўналишида таҳсил олишди. Бир вақтнинг ўзига жамғарма томонидан буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг бой меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган сазй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Жумладан, тиббиёт институтлари талабалари учун олим меросини замонавий тиббиётга жорий этиш мақсадида тиббиётнинг турли соҳалари бўйича ўқув дастурлари — лазерли дискларга фанлар бўйича мультимедиялар яратилмоқда. Ана шундай ўқув дастурларидан бири физиология фанидан ишлаб чиқилди ва 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти талабаларига тақдим этилди. Ҳозирги кунда биология, анатомия, сурлопедагогика каби йўналишлардаги дастурларни ишлаб чиқиш устида фаол иш олиб борилмоқда. Шунинг билан бирга, жамғарма Ўзбекистон радиоси орқали ҳам соғлом турмуш тарзи тамойилларини мунтазам равишда тарғиб этиб келмоқда. Бугунги кунда жамғармада Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигини кенг нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари бошлал юборилган.

— Жамғарма томонидан бевосита «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Авваломбор, шунга таъкидлаб ўтиш керакки, «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг бир қатор йўналишлари бўйича амалга ошириладиган ишлар айнан, Ибн Сино Халқаро жамғармаси зиммасига юклатилган. Бу Юртбошимизнинг «Соғлом халқ, соғлом миллатимиз буюк ишларга қодир бўлади» матрузасидаги ғоялар амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда,

соғлом турмуш тарзининг концептуал асосларини илмий тадқиқотларга, ўсиб келаётган аҳолини тарбиялаш ва таълим беришга, жамият ҳаётига жорий этиш, узлуксиз таълим, соғлиқни сақлаш, маланият, спорт тизимида, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида халқнинг тарихий, маданий меросига ва соғлом турмуш тарзи бўйича ҳозирги замонавий фан ютуқларига асосланган маданий анъаналарни, ноёб қадриятлар тизimini шакллантиришга йўналтирилган тадбирларини ташкил этиш, аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар

нинг ўқитувчилари, бошқа тиббий муассасаларнинг малакали мутахассислари матрузалар билан чиқиш, амалий дарслар ўтказмоқдалар. Ўқув курси якуни бўйича 100 дан ортиқ кишига сертификатлар топширилди. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастуридаги яна бир йўналишни бажариш йўлида йил бошидан буён СПИД-га, гиёвандликка, ичкиликбозлик ва чекишга қарши турли хил плакатлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунда ўқув муассасаларига, ёшлар ташкилотларига тарқатилмоқда. Бу ишларнинг барчаси, албатта, маҳаллалар, мактаблар, бошқа тегишли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда ва айнан шу ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини беришига умид қиламиз.

— Кўпчилик сизни фақат жамғарма бошқаруви раиси, ёники шифокор-олим сифатида эмас, балки бир вақтнинг ўзига шаҳар Кенгазининг депутати сифатида ҳам билди ва сизнинг амалга ошираётган ишларингиздан бохабар. Шундай бўлса-да, фаолиятингизнинг бу қиррасига ҳам қисқача тўхталиб ўтсак.

— Менинг фикримча, агар сайловчилар ишониб ўз овозларини берган эканлар, ҳар бир депутат уларнинг ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратини, илим-заковатини аямаслиги керак. Мен имкон қалар сайловчиларим билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб туришга, уларни қизиқтираётган масалалар бўйича ахборот бериб боришга ҳаракат қиламан, ҳар ҳафта шахсий қабул ўтказаман. Менинг депутат сифатида, қабул куним ҳар ҳафтанинг сешанбаси этиб белгиланган ва бу кунда мен кун бўйи иш жойимда бўлишга ва ҳар бир келган фуқарони қабул қилишга ва уни безовта қилаётган масалани ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиламан. Яқинда сайлов округи ҳудудига жойлашган «Фирдавсий» ҳамда «Мустақиллик» маҳаллалари аҳоли билан учрашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашувлар бесамар қолмади деб ўйлайман. Чунки қизиқарли баҳс-мунозаралар вақтида кўп масалалар ўз-ўзидан ижобий ечимини топди...

Суҳбатимизнинг якунида шунга алоҳида таъкидлашни истар эдимки, 2005 йил — Сихат-саломатлик йили этиб эълон қилинганлигини, бу йўналишда давлат дастури доирасида қатор амалий ишлар қилинаётганлиги ҳақида батафсил тўхтаб ўтдик. Шунга қўшимча равишда жорий йилда буюк аждолимиз Абу Али ибн Синонинг таваллуд топганлигининг 1025 йиллиги нишонланишини яна бир бор тақдир айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Ўйлайманки, 2005 йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши бу тасодифий ҳол эмас. Шундай экан, Ибн Сино таваллудининг 1025 йиллиги ва келажги буюк Ўзбекистон — жонажон Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги нишонлаш ҳам йилда барчага сихат-саломатлик, тинчлик-тоғувлик, оилавий бахт-саодат тилайман. Ота-боболаримиз руҳи эзгу ишларимизда доим ҳамроҳ ва маладор бўлсин.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди

2005 — Сихат-саломатлик йили

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИДИ

Соғлом турмуш тарзи ҳар бир фуқаронинг ҳаётий эҳтиёжига айланмоғи дардор. Зеро соғлом турмуш тарзи жамият тараққиётининг бош омилidir. Бугунги суҳбатдошимиз Ибн Сино Халқаро жамғармаси бошқаруви раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шухрат Бойсович ИРГАШЕВга шу хусусда бир неча савол билан мувожаат қилдик.

ўртасида саломатлик қарини, фаол узоқ умр кўришга эришиш ғояларини англашни чуқурлаштириш бўйича тарбиявий ва маърифий ишларни амалга оширишни таъминлашга доир ишлардир. Бундан ташқари, республика минтақаларида олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда танловлар, семинарлар, фестиваллар, спорт тадбирлари ўтказиш воситасида ўқув юртларида, маҳаллаларда, оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жамиятда саломатлик маданиятини шакллантириш бўйича ўн кунликлар ташкил этиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузурда соғлом турмуш тарзини юритиш маърифат марказларини ташкил этиш, маҳаллаларда плакатлар танловлари, аҳоли билан репродуктив саломатлик масалалари юзасидан учрашувлар ташкил этиш ва шунга ўхшаган яна бир қатор ишларни амалга ошириш жамғарманинг асосий вазифалари сирасига кириди. Бугунги кунда жамғарма томонидан бу борда бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартнома асосида республикамизда фаолият кўрсатаётган 900 га яқин олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида «Ибн Сино саломатлик масканлари» ташкил этилибгина қолмай, уларни тегишли меъбелар билан жиҳозлаш, махсус алабид ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш бўйича ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Ушбу масканларни малакали ҳолимлар билан таъминлаш учун жамғарма қoшида 20 кунлик ўқув курсларини ташкил қилиниши ҳам ўзининг самарасини бериши шак-шубҳасиз. Ушбу курсларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти-

нинг ўқитувчилари, бошқа тиббий муассасаларнинг малакали мутахассислари матрузалар билан чиқиш, амалий дарслар ўтказмоқдалар. Ўқув курси якуни бўйича 100 дан ортиқ кишига сертификатлар топширилди. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастуридаги яна бир йўналишни бажариш йўлида йил бошидан буён СПИД-га, гиёвандликка, ичкиликбозлик ва чекишга қарши турли хил плакатлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунда ўқув муассасаларига, ёшлар ташкилотларига тарқатилмоқда. Бу ишларнинг барчаси, албатта, маҳаллалар, мактаблар, бошқа тегишли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда ва айнан шу ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини беришига умид қиламиз.

— Кўпчилик сизни фақат жамғарма бошқаруви раиси, ёники шифокор-олим сифатида эмас, балки бир вақтнинг ўзига шаҳар Кенгазининг депутати сифатида ҳам билди ва сизнинг амалга ошираётган ишларингиздан бохабар. Шундай бўлса-да, фаолиятингизнинг бу қиррасига ҳам қисқача тўхталиб ўтсак.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди

Шарқ дурдоналари

03-03 УЎТГАНИЙ
ДОМО БУЛУВ...

● Ҳикмат. Бир вақт Ҳирот шаҳридаги фалакия мадрасасида ваъз ўқир эдим. Бир дарвеш: «Алиф тўғрилики ва ҳамма ҳарфлардан олдинликни қандай қўлга киритди?» деб сўраб қолди. Мен дедим: «Озодалик ва барча нарсалардан фориқлик билан. Кўрмайсаним, «б»нинг нуқтаси (яъни доғи) борлиги учун, эгриликдан қўғлиб, олдинга ўтолмайди!» дедим.

● Бир вақтда бир тўда дарвешлар билан бир шаҳарга етиб келдик ва шаҳар подшошининг золим эканини билдик. Бир-биримизга дедик: «Бу ерда туришга ният ва яшашига ҳаракат қилмайликки, зулм сабабидан диёр хор, золим эса, ўтда куйишга сазовордир. Агар бирош тоифа устига бало ёлғиса, қатта-ю кичика баробар таъсир қилади.

Бир дийрга тушса,

офат ва бало,

Ҳалок бўлар

қатта-кичик бегумон.

Бир далага тушса

ёнғину олов,

Бирдек куяр ҳўлу

курук ўша он!

У дийрдан кетишга қарор қилган, татар мамлақати сари йўл олдик. Бир неча турк икки хуржун олтин билан бизга ҳамроҳ бўлдилар. Бундан огоҳ бўлган ўғриллар тоифаси измимиздан кела бошлади. Золим подшо эса ўғриллар бизни қатл этиб, молиминизни тортиб олишган, уларни тутиб, ўзларини ўлдириб, таланган молни ўз хазинасига олиш мақсадида ўғриллар орасидан лашкар юборди.

Дам олишга турганимизда одамлар овқат ейишга машғул бўлдилар. Дўстларидан бири менга деди: «Шу яқин атрофда ов қиладиган чашма бор, ёнимизда эса қоман. Агар лозим кўрсанг, ўша жойга борайлик. Эҳтимол бизга ов домга тушиб қолар!» У ерга бориб бир пана жойга бекичдик. Ногоҳ бир жойдан ит овози эшитилди, мен уларга: «Туриңлар, ит овози келганди. Демак ўғриллар орқамиздан пойлаб юрипти, бориб қарвонга хабар берайлик!» дедим. Қарвонга бор воқеани айтдик, ҳамма ўрнидан турди, қанча қидирмайлик, ўғрилларни топа олмадик ва шошиб йўлга тушдик... Кечкурундан то эрта-лабгача йўл юрдик ва бир манзилга етиб бордик. Икки эшагимиздан бири ўлиб, бири қолди. Ногоҳ ўнг тарафга боқиб, қирқта девсифат нопок қароқчини кўрдикки, ҳар бири тун мисоли дахшатли, қўлидаги тиглари эса, нур каби ўткир ва шиддатли эди. Бу бадбахтларнинг ҳар бири момақалдиқ каби шуъла гўмбирлаб чинқарибди, қўлларидаги тиги эса, чармоқ каби шуъла сочиб эркирарди. Улар бизга яқинлашган вақтда ҳаммамиз қалъа тепасига чиқиб яшириндик. Бир кун қалъа остида пойлаб ўтирдилар. Охири ўриларидан туриб, жўнаб кетдилар. Эшитишимча, улар қайтиб боришган, золим подшо билан ораларида жанг юз берибди ва икки томондан кўп киши ўлиб, дўзахга равона бўпти!

Китъа:

Муборак саналур,

наҳс бўлса ҳам,

Узаро жанг қилса

икки ситамкор.

«Икки золим жанги

— мазлум нажоти»,

Элда шундай деган

улуғ нақл бор!

Маъин

ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТ ОЧИЛАДИ

Жисмоний тарбиянинг илмий-амалий асосларини яратиб йўлида олиб борилаётган изланишлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти мутахассис олимларининг кузатишлари соғлом турмуш тарзи ва турмуш маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ қатор таълимий йўналишларни амалиётга татбиқ этиш имконини бермоқда.

Спортнинг валеология соҳаси бўйича орттирилган тажрибалар ҳам яхши самара берди. Бу эса олий ўқув юртида "Валеологик тарбия асослари" деб номланган янги факультетни очиб учун ўқув-илмий асос яратди.

Бундай факультетлар мамлакатимиздаги бошқа жисмоний тарбия олий ўқув юртлари таркибида ҳам ташкил этилади.

Немис тили фани бўйича ўтказилган республика олимпиадаси шу нуфузли тилни пухта ўзлаштириб келаётган иктидорли талабалар учун ўзига хос билимлар синови бўлди.

**ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР
ФОЛИБ**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган немис тили ўқитувчилари уюшмаси саъй-ҳаракати билан ташкил этилган бу беллашувда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Аъзамжон Исабоев ўз салоҳиятини намойён этиб, биринчи ўрин билан тақдирланди.

Тошкент Иқтисодиёт университети, Тошкент Архитектура ва қурилиш институти вакиллари эса иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Акбар АЛИЕВ

Мунажжим башорати

ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛИНГ

26 ИЮЛЬ, СЕПАНБА

Мунажжимлар бугун дадиллик ва қатъийликка даъват қилишаётган бўлса-да, бу хислатлар, бизнингча, ҳаминча ҳам керак. Чунки ҳар кунни, ҳар соатда иродамизни синайдиган воқеа-ҳодисаларга дуч келишимиз табиий.

Шунингдек, бугун қасам ичиш, ваъдалар бериш, муҳим ҳужжатларга имзо чекиш, зиммага мажбуриятлар олишда ҳам мунажжимлар эҳтиёткорликни мустақил беришади. Ойланган мустаҳкамлаш, анъаналарга риоя қилиш ва ўтган аждодларга иззат-ҳурмат намойиш этиш бугунги куннинг асосий тамойиллари бўлиши даркор. Ҳаёлан ўтмишга назар ташланг, ўз аждодларингизни хотирга олинг, эски оилавий альбомларни ва рақланг - уларни кўргандай, ҳамсухбат бўлгандай ҳис этасиз ўзингизни ва кўнглингиз ёришади.

Мабодо, бугун уйингизга бирор дайди жонивор келиб қолса - уни ҳайламанг - бу сизга келадиган кўмак ва ҳомийлик белгисидир. Кўзгунинг синиши ёки соатнинг тўхтаб қолиши эса - жиддий йўқолишларга ишора. Бугун парранда ва бошқа жониворлар тўйдирилаётган кун. Туш пайтида беғубор осмонда куёшнинг чарқлаб туриши ҳам яхшилик аломати.

Бу кеча тушда ўсимликлар, гуллар, юл-

дузлар, марҳум аждодларни кўриш - яхшиликка. Узингизни яланғоч ҳолда кўришингиз - нохушликлардан дарақдир.

Бошингиз ва кўзларингизни эҳтиёт қилинг. Тиш шифокорига мурожаат этишни бошқа вақтга қолдиринг.

Яшил ранглар мажмуидан иборат матолардан тикилган либослар бугун омадли бўлади. Сарик ва қора ранглардан йироқроқ бўлинг.

БУГУН:

— қисқа сафарларга ёки табиат қўнига саёҳатларга чиқинг;

— озиқ-овқатлар, чанқовбосди ичимликлар, спорт анжомлари харид қилиш;

— тиббиёт ва спорт юлдузлари билан мулоқотда бўлиш;

— бўш вақтларингизда яқин дўстлар, сеvimли кишиларингиз билан хурсандчилик қилишингиз;

— янги асарлар премьераларида, тақдимот маросимларида, ҳал қилувчи спорт беллашувларида қатнашинг;

— хизмат вазифасига ёки шахсан ўзингизга тегишли муаммоларни ҳал этиш;

— дадиллик ва қатъийнингизни намойён этишингиз, ишлаб чиқариш мижозларидан кўрқмаслик тавсия этилади.

Ҳар қандай оғриқларга чидаш, куч ва маблағларингизни тежаб-тергашга интилаверишдан ўзингизни тийинг.

Таниқли ёзувчи Ҳожиакбар Шайхон китобхонларга яхши таниш. Сермаҳсул ижод соҳибининг фантастик жанрда яратган асарлари айниқса кенг оммалашди. "Иблис билан мулоқот", "Дархон кўшиги" каби тўпламлари энг яхши фантастик асарларга айланди.

Маънавият

**КИТОБХОНЛАРГА
ТОРТИҚ**

Шунингдек, у фантастик эртакларни нашрга тайёрлашга ҳам бош қўшди.

Республикамизда чоп этилаётган "Сирли олам" журнаlining ташкилотчиси сифатидаги фаолияти ҳам самарали кечди.

Марҳум адиб Ҳожиакбар Шайхон ҳаёт бўлганида 60 ёшга тўларди. Шу қўтлуғ сана муносабати билан "Сирли олам мусаввири" деб номланган тўплам чоп этилди.

Бу китоб Ўзбекистон Фанлар академияси "Фан" нашриётининг ёзувчи юбилейига яхши совғаси бўлди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

2005-2006 йилги иситиш масъумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2005 йил 25-июлдан 9-августгача истеъмолчиларни иссиқ сувдан чекламаган ҳолда иссиқлик тармоқларини механик чидамлилик ва зичликка (энг юқори босимда) синаш ишлари ўтказилади:

25 июль кунин

1-ИМ - акад.Х. Абдуллаев, Раҳматуллин, Ж. Обидова, Ф.Хўжаев, Мўминов, Муҳиддинов кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 (Черданцев-1) турар жой мавзелари, Таш-ГРЭС кўрғони.

26 июль кунин

1-ИМ - Буюк Ипак Йўли, акад. Х.Абдуллаев, Раҳматуллин, Доғистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф.Хўжаев, Муҳиддинов кўчалари, Тошсёлмаш, Пушкин-Пишпек, Чизел, Пушкин-Салар, ген.Петров турар жой мавзелари.

27 июль кунин

9-ИМ - Чилонзор мавзеси 13дан 15гача, 21дан 24гача, 30,31-дахалари, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Шайхзода, Ширин, Х.Турсунқулов, Раҳимбоев, Лутфий кўчалари.

28 июль кунин

7-ИМ - Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним кўчалари, Гўзал-1, II, III, IV, 1-УҚК, Слоним-1,2 турар жой мавзелари, "Авиакўрувчилар" шаҳарчаси мавзеси.

"ТТЗ" қозонхонаси - ТТЗ-1,2,2А,4-турар жой мавзелари ҳудудлари, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Белоножко кўчалари.

1 август кунин

ИЭМ - Бобур, Глинка, Афросиёб, А.Тўқай, Нукус кўчалари, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Мовароуннахр, Ло-

хутий, Т.Шевченко, Шахрисабз, Локомотив, Х.Умаров кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, "Учувчилар шаҳарчаси" турар жой мавзелари.

2 август кунин

6-ИМ - Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янги Замон, А.Фитрат кўчалари, Қўйлиқ 1-7 турар жой мавзелари, Қўйлиқ-айланма ҳалқа йўли.

4 август кунин

4-ИМ - Ҳасанов, Ф.Фуллом, Шамсутдинов, Бобо-жонов, Хуршид, А.Қодирий, А.Хидоятлов кўчалари, Ц-17,18 (Себзор), Тахтапул, Ц-12,13,Ц-15, Қорақамиш-1/1,1/2, 1/3,1/4-турар жой мавзелари.

8-ИМ - Сергели 1-8А, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 турар жой мавзелари

9 август кунин

10-ИМ - Ҳасанов, Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо-Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/2,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3, ТошДУ-ТошПИ, Олимпия, Ибн Сино-1,2, Белтепа-дахалари.

Қувурларда носозликлар бўлиши ва шу жойлардан сув тошиши ҳолатлари юз бериши мумкин, бу эса хайдовчилар ва пиёдалардан сергак бўлишларини талаб этади. Сезилган ноодатий ҳоллар ҳақида 133-32-32 телефонига хабар қилишингизни сўраймиз.

**УН -
ШИФОБАХШ
НЕЪМАТ**

Организмда темир моддаси ва фоллий кислотасининг етишмаслиги туфайли ҳар йили дунёда туғиш пайтида 300 нафар аёл ҳаётдан кўз юммоқда, 500 нафар бола нуқсонлар билан туғилмоқда, минглаб киши ушбу моддалар етишмаслиги боис инфаркт ва юрак хуруждан но-буд бўлаётди. Бунинг иқтисодиётга ҳам таъсири катта. Аҳолининг меҳнатга лаёқатлилик даражасининг пастлиги ва ногиронлик туфайли ялли ички маҳсулот 2-3 фоизга камайиб бораётди, соғлиқни сақлаш тизимида катта миқдорда давлат маблағлари сарфланмоқда.

Бу рақамлар ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида Учни фортификациялаш тўйинтириш бўйича миллий дастур тақдиротида бағишлаб журналистлар учун ташкил этилган брифингда келтирилди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Тошкент-нон» уюшмаси вакиллари ҳамда дастур ижроси билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон раҳбариятининг ижтимоий йўналтирилган сиёсатининг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини оширишдир. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош педиятри Дилором Аҳмедовнинг таъкидлашича, одамлар соғлигини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш ушбу сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Айниқса ёш авлод баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўллаб қасалликларнинг пайдо бўлиши озиқ-овқат таркибида витамин ва минералларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Шу сабабли 2003 йилда ҳукуматимиз ташаббуси билан Учни тўйинтириш бўйича маъмур миллий дастур ишлаб чиқилган эди. Дастурнинг умумий қиймати қарийб 6 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Жумладан, БМТ Тараққиёт дастури кўмағида фаолият юритаётган халқаро ташкилот - Овқатланишни яхшилаш бўйича глобал альянс томонидан мақсадли грант сифатида Ўзбекистонга 2,8 миллион доллар ажратилди. Дастурни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўздонмаҳсулот» акционерлик компанияси ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда амалга оширади. Ўзбекистоннинг бешта ҳудудда ниҳоятга етган тажриба лойиҳаси натижалари эса бунга асос бўлади.

Шунингдек, бу ишга керакли асбоб-ускуналар ҳамда фортификант - Марказий Осиё минтақасининг иқлим шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган «КАП Комплекс1» витаминлаштирилган қўшимча билан таъминланган 48 та йирик ун комбинати ҳам жалб қилинади. Беш йилдан сўнг тўйинтирилган ун ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 миллион тоннани ташкил этиши керак. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу болалар ва хотин-қизларнинг темир моддаси етишмаслигидан келиб чиқадиган камқонлик касаллигига чалинишини 20 фоизга камайтириш имконини беради. Яна шунини таъкидлаш кераки, истеъмолчилар тўйинтирилган ун ва нонни сотиб олиш учун қўшимча пул сарфламайди.

Брифингда дастурнинг таъсирчанлигини имкон қадар ошириш учун аҳолини тўйинтирилган уннинг фойдаси тўғрисида хабардор қилиш лозимлиги ҳақида гапирилди. Бу ишга нафақат оммавий ахборот воситалари, балки шифокорлар, жамоат ташкилотлари фаоллари ҳам жалб қилинади.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

Спорт

БОКСЧИЛАРИМИЗ СЕВАСТОПОЛДА

Айни кунларда Севастопол шаҳрида бокс бўйича анъанавий «Кора денгиз кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.

Шуниси кувонарлики, ушбу турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашмоқда. Таникли мураббий Шароф Худойбердиев етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси сафида Афина Олимпиадаси иштирокчилари Тўлашбой Дониёров, Шерзод Хусанов, Рустам Саидов, Бехзод Хидиров, Дилшод Маҳмудов ҳамда Баҳодир Султоновларнинг борлиги қалбимизга ғурур бағишлайди. Шунингдек, ушбу турнирда умидли ёш чарм кўлоқ усталари ҳам Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

«Кора денгиз Кубоги» турнири **БУГУН** ниҳоясига етади.

МАШҒУЛОТЛАР ХИТОЙДА ДАВОМ ЭТАДИ

Маълумки, Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини англиялик футбол мутахассиси Колин Тоал бошқармоқда.

Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларига қизгин ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Хитойга жўнаб кетди.

Уқув-йиғин машғулотларини Хитойда давом эттиришни режалаштирган ёшларимиз Чин мамлакати футбол билан яқиндан ошно бўлишни ҳамда маҳаллий клублар билан ўртоқлик учрашувлари уюштиришни режалаштиришган.

Шуниси аҳамиятлики, бош мураббий Колин Тоал бу сафар «Пахтакор», «Машъал», «Трактор», «Навбахор», «Металлург», «Шахридон», «Бухоро» жамоалари ҳамда Андижон Олимпияк заҳиралар коллежи футболчиларидан иборат 21 нафар умидли ёшларни синаб кўришга аҳд қилди. Хитойда машғулотлар ўн кун давом этади.

КИМ БОШ МУРАББИЙ БЎЛАДИ?

Маълумки, футбол бўйича жаҳон чемпионатида саралаш турнири иккинчи босқинининг сўнгги ҳал қилувчи баҳсида Ўзбекистон терма жамоаси Кувайт терма жамоаси билан «Пахтакор» марказий стадионидан куч синашади.

Шуниси қизиқки, ушбу баҳс олдидан терма жамоамизга янги бош мураббий тайинланиши мумкин. Чунки Равшан Хайдаров жума кундан эътиборан терма жамоанинг ёрдამчи мураббийси лавозимда ишламоқда. Ўзбекистон футбол федерацияси маълумотларига кўра терма жамоа бош мураббийлигига собик иттифок олимпия термасини бир пайтлар муваффақиятли бошқарган, истеъдодли мутахассис Анатолий Бишовец тақлиф этилган. Бироқ, ҳозирча ким терма жамоамизни бошқаради, деган савол ҳамон очик қолмоқда. ОФК расмий сайти хабарига кўра терма жамоамизни англиялик Бобби Хоутон ҳам бошқариши мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг элимизга, юртимизга муносиб, таълим-тарбияли, соғлом ва бақувват қилиб вояга етказиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Бу йўлда ўтказилиб келаётган ҳар бир тадбир, танлов, давра суҳбати ва семинарлардан юқоридаги хайрли ниятлар кўзланган. Хусусан, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ички ишлар бош бошқармаси каби қатор ташкилотлар томонидан маҳаллаларда истиқомат қиладиган ёшларнинг ёзги таътил вақтини унумли ўтказиш, улар ўртасида оммавий спортни янада жонлантириш мақсадида «Футболимиз келажаги» мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Кунги кеча ушбу мусобақанинг 13-14 ёшдаги ўсмирлар ўртасидаги шаҳар босқинининг финал ўйини «Пахтакор» марказий стадионидан бўлиб ўтди. Унда Чилонзор туманининг «Гулистон» ва Сергели туманининг «Маданият» маҳаллалари ёш футболчилари ўзаро беллашиб, бор маҳорат ва чаққонликларини намойиш этиб, командаларининг фолиблик сафидан ўрин олишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилдилар.

«Футболимиз келажаги» мусобақалари 2000 йилдан бошлаб анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда, — дейди шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Хайдарали Қораболаев. — Уша вақтда 12000 нафар ўсмир ушбу мусобақада иштирок этган бўлса бугунги кунда уларнинг сони 36350 нафарга етган. Иштирокчилар сафининг ортиши ушбу мусобақанинг тобора оммалашиб, нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир. Демак хайрли ният билан бошланган ишнинг натижаси ёмон бўлмайди. Мақсадимиз фарзандларимиз ҳам ҳисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етсинлар.

Биз «Гулистон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Баҳодир ака Эшонхонов билан суҳбатлашмоқчи бўлиб унга яқинлашар эканмиз, оқсоқолнинг ўз жамоаси учун қанчалик жон куйдирётганини кўрдик.

— Маҳалламизда 12.700 аҳли истиқомат қиладди, шулардан 4000 нафари вояга етмаган ёшлар-




Футболимиз келажаги

ФОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА — «ГУЛИСТОН»

дир, — дейди оқсоқол ўйини диққат билан кузатишдан чалғимаган ҳолда — Фарзандларимизнинг соғлом ва тетик, тарбияли, илмли бўлиб вояга етишларига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Пишиқ-пухта берилган тарбия эртамиз учун пойдевор бўлиб хизмат қиладди.

Шу кун «Маданият» маҳалласи оқсоқоли Зариф Мансуров Юнусобод тумани «Бободехқон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Машқура опа Исмоилова, посбонлар ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари билан суҳбатлашар эканмиз, болажонлар тарбиясига ҳеч кимнинг беэътибор эмаслигига ишонч ҳосил қилдик.

Мусобақага келсак, ниҳоятда кўтаринкилик билан ўтган ушбу учрашувда Чилонзор туманининг Гулистон маҳалласи ёшлари ғалабага эришиб, Республика босқинига йўлланма олдилар. Сергели туманининг «Маданият» маҳалласи 2-ўринни, Юнусобод туманининг «Бободехқон» маҳалласи ва Миробод туманининг «Би-



лимдон» маҳалласи ёшлари учинчи ўринни эгалладилар.

Барча фолиб ва қатнашчилар шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг кўчма кубок, диплом, эсдалик совғалари ва спорт кийимлари билан тақдирландилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Футболимиз келажаги» мусобақаси финал ўйинидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

ЯХШИЛИГИНИГИЗНИ ЖОНИМГА ЁЗДИМ

Қатра

Касалхонанинг жарроҳлик бўлимидаман. Операциядан сўнг томиримга «Албумин» деган дори юбориш керак экан. Анча уринишлардан сўнг шу доридан икки шиша топиб келишди. Бир марта «Албумин» қабул қилганимдан сўнг ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Мууддат тугаб, уйга рухсат беришди. Муолажани яна бир ойдан сўнг давом эттириш керак деб, иккинчи шишадаги дорини қўлимга тутқаздиши.

Орадан икки ҳафта ўтиб қолган эди, ярим тунда дарвозам тақиллаб қолди. Эшикни очсак, менга таниш ҳамшира ва яна бир ҳоржин ва маънос аёл турарди. Аёл йиғлаб ёлворарди. Ун икки ёшли ўғли кўриб-қалб бўлиб қолган экан. У ёрилиб кетгани сабабли оғир аҳволда Сирдарёдан Тошкентга олиб келишибди. Унга зудлик билан албумин қуйиш керак экан.

Иложисиз қолган навбатчи шифокор танишларга ва бошқа керакли жойларга кўнгирок қилибди. Мен ётган касалхона ҳамшираси ўша шифокорнинг кўшниси экан. Дарров мени эслаб, манзилимни берибди, бунга ҳам қаноат қилмай ўзи бирга келибди. Дорини бериб турсангиз, боламнинг ҳаёти қил усти-

да турибди. Жон опа, йўқ деманг, сизга керак бўлгунча топиб бераман, деб йилларди аёл.

Топиб бермасангиз ҳам майли, бола тузалиб кетса бас, деб дорини бердим. Хайратини, бола тузалиб кетди. Касалхонадан чиққан кунги онаси менга кўнгирок қилиб «Опажон, дорини топишнинг иложини қила олмадим. Битта эчким бор, шунини сотиб, пулини олиб келиб бераман, сизга катта раҳмат», деди.

— Синглим, нечта болангиз бор? — деб сўрадим.

— Еттита, — деди у.

— Бўлмаса, яхшилаб эшитиб олинг. Эчкини сўйиб, болаларингизга едиринг. Менга ўша дори керак бўлмасин. Аллоҳ сизнинг болангизга ҳам, менга ҳам соғлиқ ва умр берсин. Минг марта розиман, дедим. Шунда аёл менга бир гап айтдики, бу гаплар бир умр ёдимдан чиқмайди:

— Мен оддий, кўп болали тўпори аёлман. Сизга, ҳимматингизга муносиб сўз тополмайман. Аммо яхшилигингизни жонимга ёздим, жонга ёздим, — деди. Бу ёзув эса ҳеч қачон ўчмайди.

Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА

ХАНДАЛАР

- Беш сўм бериб тур.
- Менда уч сўм бор, холос.
- Майли уч сўмини беравер, 2 сўм қарзсан.

Иккита эркак гаплашишяпти:

— Биласанми, мен қиморда муттасил ютши йўлини топдим.

— Бу мумкин эмас. Қимор бўлгандан кейин бир ютсан, эртага ютқизасан.

— Ҳа, баракалла, мен ютқизадиган кунларим йўламайман.

ЎРМАҚАҒАН МАЙИЗ

Қозоқ отахон ўзбек бозоридан бир халта майиз сотиб олибди. Уйига етгунча йўлда янтоқ ёнига халатини қўйиб, бироз ҳордиқ чиқарибди.

Янтоқ остида чумоли уяси бор экан. Талай чумоли майизнинг ҳидини сезиб, ўрмалаб халта ичига кирибди.

Қозоқ отахон уйига етиб келиб болаларини чақириб, дастурхон устига халатини бушатибди. «Болаларим, бир тўйиб майиз енглар» деди отахон. Майиз ичидан ўрмалаб қочаётган чумолиларни кўриб, отахоннинг кайфи учибди: «Тургани тураверади, аввал қочиб кетганганини ушланглар!»

ҚИРОВ БОСҒАН МАНТИ

Чойхона ёнидан ўтиб кетаётган қозоқ йиғит мантининг буйи димоғини очиб тўхтабди: «Ке биур шундан еб кетай», деди ўз-ўзига. Мантини бир тишлаб ҳам олди, ҳам қўли қуйибди. «Ваҳ!» деб қўлини тепага силтаган экан манти шифтга ётишиб қолибди.

Қиш кунги қозоқ йиғитнинг йўли тушиб яна шу чойхона ёнидан ўтигани бўлиб қалибди. Шифтдаги мантини ҳали-ҳануз, устини учун баҳс босиб турганмиш. Мантига қараб йиғит: «А-ҳа, мени албатта бунсан, сен ярамасини сиртинг қиров бўлгани билан, ичинг иссиқ», дермиш.

АЛДАНГАННИ ТАН ОЛДИ

Алдарқўса шайтон билан «ким зўр алдоқчи» лигини синаш учун баҳс боилашибди. «Эҳ, атпанг, дебди Алдарқўса шайтонга, алдархалтам уйда қетибди-ку. Сен шу ерда туриб тур, ҳазир очило келаман».

Шайтон уч кечаю уч кундуз Алдарқўсани қутиб, алданганини тан олибди.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усунди босилади.
2496 нускада босилади. Қозоқ бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимининг ёки «Тошкент почтаманга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.